

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

### **1. Товар тавсифи**

Дастурий таъминотлари ўрнатилган шахсий компьютерлар (савдо белгили).

### **2. Товарларни сотиб олиш мақсади**

Маҳсулотларни харид қилишнинг мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг худудий бўлинмалари – Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, вилоятлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни бош бошқармалари ҳамда туман ва шаҳарлар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари фаолияти учун компьютер техникалари ва оргтехника воситалари билан таъминлаш ҳисобланади.

### **3. Харидни амалга ошириш учун асос**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5975-сон Фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4653-сон қарори.

### **4. Товарни суғурталаш**

Товарлар тасодифий шикастланиш, йўқотиш ёки уни ташиш ва вақтинча сақлаш пайтида яроқсиз ҳолга келтирадиган бошқа таъсирлардан тўлиқ суғурталанган бўлиши керак. Суғурта полисида барча транспорт харажатлари, шу жумладан юк, божхона тўловлари ва Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида товарларни ташиш билан боғлиқ бошқа харажатлар, шунингдек зааралangan товарларни таъмирлаш жойига етказиб бериш ва таъмирдан кейин қайтариш харажатлари бўлиши керак.

### **5. Компьютер техникалари ва оргтехника воситалари спецификацияси**

Етказиб бериладиган компьютер техникалари ва оргтехника воситалари халқаро миқёсда етакчи ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан завод-цехларда ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Компьютер техникалари ва оргтехника воситалари ишлаб чиқарувчи компанияга тегишли заводларда синовдан (тест қилинган) ўтган бўлиши керак. Етказиб бериладиган компьютер техникалари ва оргтехника воситаларининг ҳақиқийлиги (оригинал) тўғрисида ишлаб чиқарувчи компания томонидан тегишли авторизация хат билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Мазкур хужжатда компьютер ва оргтехника воситалари учун техник тавсифлар кўрсатилган. Барча таклиф этиладиган компьютер ва оргтехника воситалари хусусиятлари ушбу хужжатда кўрсатилган минимал талабларга жавоб бериши ёки ундан юқори бўлиши лозим. Электр кабеллари Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланишга мос стандартда бўлиши керак.

**Компьютер техникалари ва оргтехника воситалари учун минимал техник параметрлар**

<b>№</b>	<b>Таркибий қисм номи</b>	<b>Минимал техник параметрлари</b>
<b>Компьютер (моноблок) техникалари учун минимал техник параметрлар – 1115 дона</b>		
1.	Процессор	Ядро сони: камида 6 та; Поток сони: камида 12 та; Кэш-хотира: камида 12 Мб; Частота: 2,9 - 4,3 GHz. Чиққан вақти: 2020 Сокет: FCLGA1200
2.	Кулер	TDP: 125 Вт Сокет: FCLGA1200 Вентилятор: 1 x 120 мм Совутиш тизими сони: 4 Баландлиги: 143 мм Тезлик: 900-1600 рпм Улагич тури: 4 пинли ПВМ
3.	Motherboard	Форм-фактор: microATX сокет: LGA1200 Хотира: 2 x DDR4 DIMM (2133-2933 МГц) Интерфейс M.2: бор Овоз: 7.1CH, HDA Ethernet: 1000 Мбит/с
4.	Тезкор хотира	8 GB DDR4 2666 MHz
5.	SSD хотира	Хотира: 256 GB M.2 Форм-фактор: 2280 NVMe: Бор Чипнинг тури: NAND Структураси: 3D NAND Энергия сарфи: 2.99 Вт
6.	Монитор	Диагональ: 21,5 дюйм 1920x1080 FHD IPS LED 60 Hz Контраст: 3000:1
7.	ВидеоХотира	2GB GDDR5 128-Bit PCI Express : 3 Display Outputs : 1 x HDMI, 1 x DVI, 1 x VGA Memory Clock : 5400MHz
8.	Блок питания	форм-фактор: ATX Куввати: 550 Вт Самарадорлик стандарти : 80 PLUS Gold Стандарт : ATX12V 2.4 / EPS12V
9.	Корпус	Форм-фактор: ATX, Micro-ATX Корпус материали : метал Ойна ён тарафда : бор Ранги : қора CPU совутгичининг максимал баландлиги: 150 мм GPU максимал баландлиги: 372 мм Оғирлиги: 3.6 кг Ўлчамлари: 190x415x460 мм
10.	Веб-камера	Матрица 1.3 млн пикс., CMOS 720p Юзни кузатиш функцияси: есть Объективни кўриш бурчаги : 60 град.

		Конструкция : мониторга ўрнатиб қўйилади
11.	Наушник	Уланиш: USB Диаметр : 40 мм Частота : 20 Гц - 20 кГц Ранги : қора Типи : стерео
12.	Тармоқ адаптери	1 Gb/s
13.	Клавиатура	Тип : мембранные Уланиш: USB
14.	Сичқонча	Стандарт
15.	Стандартларга мувофиқлиги	ENERGY STAR, EPEAT, TCO сертификатлаш ва бошқалар
16.	Кафолат муддати	36 ой

## 6. Товарни қадоқлашга қўйиладиган талаблар

Товарларнинг қадоқланиши якуний манзилга етказиш пайтида шикастланиш ёки бузилишнинг олдини олишга ёрдам бериши керак. Пакетлар ҳарорат таъсирида, ташиш пайтида ва ёғингарчиликларга, шунингдек очик сақлашга бардош бериши керак. Пакетларнинг ўлчамлари ва уларнинг оғирлигини аниқлашда, якуний етказиб бериш манзилининг узоқлиги ва товарларнинг барча маршрутларида кучли кўтариш ускуналари йўқлигини ҳисобга олиш керак. Кутиларни қадоқлаш ва этикеткалаш, шунингдек улар ичидаги ва ташқарисидаги хужжатлар товарларни жўнаташ, ташиш, божхона омборларида вақтинча сақлаш талабларига қатъий риоя қилиши керак.

## 7. Товарнинг янгилигига қўйиладиган талаблар

Етказиб бериладиган товарлар янги, аввал ишлатилмаган, фойдаланилмаган, қайта тикланмаган, кўргазма намунаси бўлмаслиги, ишлаб чиқаришдан олиб ташланмаган ва ҳеч қандай нуксонсиз бўлиши керак.

## 8. Товарларни маркалаш

Ёрликлар халқаро стандартларга ва ишлаб чиқарувчилар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Белгиланишлар аниқ бўёоқларда ёки муҳрланган бўлиши керак ва қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Шартнома рақами

Жой рақами

Брутто оғирлик, кг.

Соф вазн, кг.

ракам

Мижоз (ном ва манзил)

Юборувчи (ном ва манзил)

Махсус ишлов беришни талаб қиласиган қутилар қўйидаги қўшимча белгилар билан белгиланади:

- юқори;

- эҳтиёткорлик;

- Қуруқ жойда сақланг.

## 8. Етказиб бериш манзили

Чет эллик иштирокчилар учун СИР – Тошкент.

Маҳаллий иштирокчилар учун - буюртмачининг омбори.  
Манзил: Бухоро шахри Алпомиш кўчаси 45-А уй.

## **9. Етказиб бериш муддати**

Товарларни етказиб бериш бериш муддати 2 ой (60 кун).

## **10. Кафолат хизматига қўйиладиган талаблар (вақт, жой)**

Кафолат муддати фойдаланишга топширилганидан ёки қабул қилиш тўғрисидаги хужжат имзолаганидан кейин 36 ой ҳисобланади. Агар кафолат муддати давомида маҳсулот нуқсонли, тўлиқ бўлмаган бўлиб чиқса ва ушбу техник топширик ёки ишлаб чиқарувчининг талабларига жавоб бермаса, етказиб берувчи Буюртмачидан ёзма билдиришнома олгандан кейин маҳсулотни янгисига алмаштириб беради. Носозликларни бартараф этиш, қўшимча жиҳозлар ва алмаштириш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан транспорт харажатлари) етказиб берувчининг ваколатли хизмат кўрсатиш маркази томонидан қопланади.

Маҳсулотнинг кафолат муддати давомида аппарат ёки дастурий таъминот қисми ишламай қолса, Хизмат кўрсатиш маркази хабарнома келган кундан бошлаб ўн беш (15) кун ичida аппарат ёки дастурий таъминотни бепул созлаш (таъмирлаш) ёки тиклашни кафолатлайди.

Етказиб бериладиган товарларни эксплуатация қилиш қўшимча харажатларни талаб қилмаслиги керак (электр энергияси ва зарур таъмирлаш ишлари харажатлари бундан мустасно).

## **11. Етказиб берувчига қўйиладиган талаблар**

1. Аукцион иштирокчиси қўйидагиларни таъминлаши шарт:

- товарларни етказиб бериш учун ишлаб чиқарувчи ёки унинг минтақавий бўлинмаси томонидан ваколат берилганлик тўғрисидаги хатнинг асл нусхаси;
- етказиб берилган қурилмаларни техник қўллаб-куватлаш;
- ишлаб чиқарувчининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ етказиб берилган қурилмаларнинг энергия сарфи ва энергия самарадорлиги тўғрисидаги маълумотлар.

2. Ишлаб чиқарувчининг расмий хати ва Тошкент шаҳрида камида битта ваколатли хизмат кўрсатиш маркази бўлиши.

3. Етказиб берувчи томонидан ушбу танлов доирасида тақдим этилган барча қурилмаларнинг тасдиқланган техник паспортлари бўлиши керак.

4. Етказиб бериладиган товарлар техник топшириқда белгиланган стандартларга мувофиқ бўлиши керак, агар белгиланмаган бўлса товарлар ишлаб чиқарилган мамлакат учун мақбул бўлган стандартга мос бўлиши керак.

## **11. Дастурий таъминотга талаблар**

Етказиб берилган қурилмаларнинг самарали ишлаши учун энг сўнгги дастурий маҳсулотлар (драйверлар) бўлиши керак.

Қурилмалар компонентлари, микрокодлар, аппарат текширгичларининг дастурий таъминоти янгиланиши керак. Ўрнатилган дастурлар тўлиқ ишлаб туриши ва фойдаланиш нуқтаи назаридан чекланмаган бўлиши керак (демо эмас).

## **12. Ахборот хавфсизлигига қўйиладиган талаблар**

Қурилмаларни мавжуд ахборот тизимларига улаш ва уни нормал режимга ўтказишда, заҳира нусхаларини яратиш, мавжуд бўлган маълумотлар базаларининг хавфсизлиги ва яхлитлигини таъминлаш нуқтаи назаридан, маълумотларни захиралаш ва

барча дастурий воситалардан тиклаш имконияти билан таъминлаш бўйича ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши керак.

### **13. Товарнинг техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича талаблар**

Курилмалар ишлаши ва сифати жиҳатидан халқаро стандартларга, курилмаларнинг ва ҳужжатларининг тўлиқлигига, техник параметрларда белгиланган стандартларга, агар улар бўлмаган тақдирда қурилмаларнинг ишлаб чиқарилган мамлакати учун мақбул бўлган стандартга мос келиши керак. Бундай стандартлар тегишли муассасалар томонидан чиқарилган энг замонавий бўлиши керак.

### **14. Товарлар билан бирга бериладиган ҳужжатлар**

- товарларнинг миқдори, бирлик баҳоси ва умумий суммаси ҳамда товарлар тавсифи кўрсатилган ҳисоб-фактура;
- товарларнинг келиб тушиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тегишли белги қўйилган ҳужжатнинг асл нусхаси ёки нусхаси;
- товарларнинг сифати, келиб чиқиши, мувофиқлиги тўғрисидаги сертификатнинг асл нусхаси;
- зарурий ҳолларда суғурта полиси ёки суғурта гувоҳномаси.
- харидорнинг номига расмийлаштирилган транспорт юк-хати;
- қадоқлаш вараги;
- экспорт қилувчи мамлакат ваколатли органи томонидан Харидор номига берилган товарнинг келиб чиқиш сертификати;
- юклаб жўнатилган товарларнинг умумий ҳисоб-фактура қиймати кўрсатилган экспорт юк божхона декларацияси;
- товар ишлаб чиқарувчиси томонидан берилган сифат ва мувофиқлик сертификати;
- СИР Ташкент шартлари бўйича суғурта полиси ёки суғурта сертификати;
- товарни эксплуатация қилиш бўйича ҳужжатлар.

### **1. Товарнинг сифат кафолатларига қўйиладиган талаблар**

Товарларнинг сифатига кафолат берилиши керак.

Етказиб берувчи жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома тузилган кундан бошлаб камида 5 йил давомида уларни (шу жумладан уларнинг барча таркибий қисмларини) қўллаб-қувватлашни EOS (end of support/service) амалга оширишига кафолат беради.

Жиҳозни қўллаб-қувватлаш жиҳознинг барча блоклари ва таркибий қисмлари учун сервис хизмати мавжудлигини назарда тутади.

Етказиб берувчи жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома тузилган кундан бошлаб камида 5 йил давомида алоҳида плата ва модулларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, буюртмаларни қабул қилишни тўхтатмаслигига EOM (end of market for expansion) кафолат беради.

### **2. Қўшимча талаблар**

Аукцион савдоси иштирокчилари доирасини кенгайтириш мақсадида Буюртмачи функционал жиҳатидан ўхшаш ёки техник топшириқда кўрсатилган хусусиятларидан устун бўлган қурилмаларни ҳам кўриб чиқади.